
ЁШЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Туманимизда “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз ёшлар, кам таъминланган оилалар фарзандларига ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўплаб ёшларни мамнун этмоқда.

Туманда ташкил этилган “Ёшлар жамғармаси” ҳисобидан, 213 нафар ёшларга ёрдам кўрсатилди. Шундан 55 нафар ОТМда таҳсил олаётган ёшларга контракт тўлови, 51 нафар ёшнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ва бандлигини таъминлаш мақсадида бепул замонавий асбоб-ускуналар, 15 нафарига даволаниш учун маблағ, 15 нафарига моддий ёрдам, 8 тасига ҳайдовчилик гувоҳномаси, 4 нафарига ҳарбий хизмат, 62 нафарига замонавий касбларга ўқитиш, 2 нафарига паспорт олиш учун , 1 нафарига эса спорт мусобақаларига қатнашиш харажатлари учун маблағ ажратилди.

Туман ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-02-15 15:16:29